

«Тасдиқлайман»
Риштон тумани Ҳалқ таълими
бўлими мудири

Ш. Мадаминов



“30” 10

2022 й

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

Риштон-2022 й

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1) ЛЕД ПАНЕЛ лампалари: 24 V ватли ташқи лед панел. 900 дона (1-дона 70 000 сум)
63 000 000 сум

Танлов предмети: **Риштон тумани Ҳалқ таълими бўлимига қарашли мактабларга
ЛЕД панел лампалари ва плэнка сотиб олиш**

1.2. Танловнинг юкори қиймати ҚҚС сиз 63 000 000 (олтмиш уч миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Махсулот етказиб бериш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи “Етказиб берувчи”га тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сўнг шартнома бўйича умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш етказиб берилган махсулот сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, етказиб берилган махсулот учун бюджет маблаглари ҳисобидан объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Риштон тумани Ҳалқ таълими бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилоят, Риштон тумани

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
- шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳуқуқий лаёкат ва ваколатлар;

- ўз кучлари билан илгари етказиб берилган маҳсулотлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувохнома;
- Танлов иштирокчисининг солик тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Кафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тутатиш ёки банкротлик арафасида тургандар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгаририш киритиш хукуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Фолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Котиб:



Н. Махмудова.

«Тасдиқлайман»
Риштон тумани
Халқ таълими
бўлими мудири

Ш. Мадаминов

“03” 10 2022 й.



Риштон туман Ҳалқ таълими бўлимига қарашли **мактабларнинг** 2022 йил харажатлар сметасида **хужалик моллари** учун ажратилган маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича ўтказилган йиғилиш

БАЁНИ № 47
Қатнашдилар

Комиссия раиси:

Комиссия аъзолари:

Ш. Мадаминов
А. Хонқулов
Ж. Якубов
Б. Ақбаров
Н. Махмудова

Кун тартибидаги масала.

1. Кун тартибидаги масала: Риштон туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли мактабларга ЛЕД панел лампа сотиб олиш тўғрисида.

Йиғилишда Риштон туман Ҳалқ таълими бўлими мудири сўз очиб, **Риштон туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли мактабларга** ЛЕД панел лампа сотиб олиш кераклигини гапириб утиб, мудир ўринbosари **А. Хонқуловга** сўз берди.

А. Хонқулов сўзга чиқиб ҳақиқатдан ҳам, **Риштон туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли** мактабларга **ЛЕД панел лампа** сотиб олиш кераклигини ва ушбу ишларни Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 22-апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонун талаблари асосида эълонга жойлаштирилишини йиғилиш қатнашчиларига тушунтириб ўтди.

**Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш
қарор қиласди:**

1. Рицтон туман Ҳалқ таълими **қарашли** мактабларга **ЛЕД панел лампа** сотиб олиш ишларини сифатли бажарилишини назорат қилиш вазифаси бош мухандис **Ж. Якубов** зиммасига юклатилсин.

2. **ЛЕД панел лампа** сотиб олиш ишларини пудратчи ташкилот билан шартнома тузиш хамда тўловларни амалга ошириш вазифаси бош ҳисобчи вазифасини бажарувчи **Н. Махмудова** зиммасига юклатилсин.

Ушбу қарорни бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия аъзолари:

А. Хонкулов

Ж. Якубов

Б. Акбаров

Н. Махмудова